



УЎТ:631., 633.854.78., 631.563.5.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА КУНГАБОҚАРНИНГ ТУПРОҚТАГИ ОЗИҚА МОДДАЛАРИГА ТАЪСИРИ

Сейтбаев Раўаж Сарсенбаевич

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти
«Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехнологияси ва тупроқ унумдорлиги»
лабораторияси мудир қ.х.ф.ф.д., к.и.х

Сапарова Зийўар Мусаевна

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти
«Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехнологияси ва тупроқ унумдорлиги»
лабораторияси лаборанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19240331>

Аннотация. Ушбу мақолада кунгабоқарнинг тупроқтаги озика моддаларга таъсирининг таҳлил натижалари келтирилган. Бунда кунгабоқар экинидан кейин гумуснинг миқдори тупроқнинг 0-30 см қатламида 0.02 % дан 0,10 % гача тупроқнинг 30-50 см қатламида эса 0,09 % гача камайганлиги аниқланган. Тадқиқотлар натижасида кунгабоқар экилган майдондаги тупроқларнинг таркибида ўзгаришлар содир бўлиши аниқланган.

Калит сўзлар: кунгабоқар навлари, тажриба даласи, тупроқ қатламлари, агрохимёвий таҳлиллар, озика моддалар, гумус.

Аннотация. В данной статье представлены результаты анализа влияния подсолнечника на питательные вещества почвы. При этом содержание гумуса после посева подсолнечника снизилось с 0,02 % до 0,10 % в 0-30 см слое почвы и до 0,09 % в 30-50 см слое почвы. В результате исследований установлено, что в составе почвы на площади, засеянной подсолнечником, происходят изменения.

Ключевые слова: сорта подсолнечника, опытное поле, слои почвы, агрохимические анализы, питательные вещества, гумус.

Annotation: This article presents the results of analyzing the influence of sunflower on soil nutrients. In this case, the humus content after sunflower sowing decreased from 0.02 % to 0.10 % in the 0-30 cm soil layer and to 0.09 % in the 30-50 cm soil layer. As a result of research, it was established that changes occur in the soil composition of the sunflower-planted area.

Keywords: sunflower varieties, experimental field, soil layers, agrochemical analyses, nutrients, humus.

Кириш. Бугунги кунда дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда органик ўғитлар билан бир қаторда деҳқончиликда биологик усуллардан фойдаланишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, минерал ўғитлар билан бир қаторда органик ўғитлар – гўнг, чиринди, компост, кўкат ўғитлар (сидератлар)дан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Хитой, Япония, Ҳиндистон, Афғонистон, Индонезия, Россия, Беларусия, Италия, Франция, Испания, Германия, АҚШ каби давлатларда кўкат ўғитлар тупроқ унумдорлигини ошириш воситаси сифатида қўлланилмоқда. Натижада сидератлардан кейин экилган экинлардан 15-25%гача қўшимча ҳосил олинмоқда. Кунгабоқарнинг тупроқтаги озуқага бўлган талаби олимлар маълумоти бўйича кунгабоқар талаб қилинадиган озика моддаларнинг 25 % гуллашдан кейин ўзлаштиради. Гуллаш даврида озика моддаларнинг кўпроқ қисмини

ўзлаштиради. Фосфорнинг асосий қисмини майсаланишдан сават ҳосил қилиш вақтигача ўзлаштиради. Азотни сават ҳосил қилишдан гуллаш даврини охиригача, калийни еса сават ҳосил қилишдан пишиш давригача ўзлаштиради. Гумус (чиринди) -тупрокнинг муҳим таркибий қисми бўлиб у тупроқдаги органик қолдиқларни микроорганизмлар томонидан парчаланиши туфайли ҳосил бўлган мураккаб органик моддалар йиғиндисидан ташкил топган.


В.Ларешин [2] нинг айтишларича турли агроландшафтларда сидерат экинларини тўғри танлаш тупроқнинг экологик ҳолати мақбуллашишини, алмашлаб экишда экинлар ҳосилдорлигини ошириш муаммоларини самарали ҳал қилади. Дуккакли-бошоқли аралашмалардан фойдаланилганда кўкат ўғитлар самарадорлиги тупроқ гумуси ва азотини ошириши гўнгдан қолишмайди.

Ю Кенжаев [1] нинг айтишларича сидерация қўлланилганда, тупроқ аерацияси яхшиланиши ва намликнинг яхши сақланишига имкон бериши натижасида ёмғир чувалчанглариининг кўпайиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратилади.


В.М.Осмеховский [3] тадқиқотлари натижалари кўрсатишича, минерал ўғитларни алмашлаб экишда узоқ вақт қўлланилганда гумуснинг таркибий қисмида гумин кислоталарининг ошиши кузатилса, фулвокислоталар камаяди. Муаллифнинг таъкидлашича ўғитларни узоқ йиллар давомида қўллаш тупроқнинг физико-кимёвий хоссаларига, гумус ва азот миқдорига ижобий таъсир кўрсатади.

Материаллар ва услуби. Бизнинг тадқиқотларимиз Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалигида дала ва лаборатория шароитида олиб борилди. Тупроқдаги озуқа моддаларини аниқлаш бўйича чириндининг умумий миқдори И.В.Тюрин усулида аниқланди.

Натижалар ва мунозара. Бизнинг тажрибаларимизда эса кунгабоқар навлари экилган майдонда кунгабоқар навларининг тупроқтаги озуқа элементларига таъсирини аниқлаш мақсадида мавсум бошида ва охирида тажриба даласи тупроғининг 0-30 ва 30-50 см тупроқ қатламида намуналар олиниб лаборатория шароитида тупроқтаги гумус миқдори аниқланди. (1 ва 2 расмлар).



1-расм. Тажриба даласи тупроғининг экиш олди Гумус миқдори %



2-расм. Кунгабоқар ҳосили йиғиб олингандан кейин мавсум охиридаги гумус миқдори %

Кунгабоқар навлари ҳосили йиғиб олингандан кейин тажриба даласи тупроғининг вариантлар бўйича 0-30 ва 30-50 см тупроқ қатламида намуналар олиниб лаборатория шароитида агрохимёвий таҳлиллар ўтказилди.

Бунда таҳлил натижаларига кўра тупроқтаги гумус миқдори кунгабоқар навларини экиш олди олинган тупроқ намуналари барча вариантларда тупроқнинг 0-30 см қатламида гумус миқдори 0,78 % дан 0,83 % гачани ташкил етган бўлса кунгабоқар навлари ҳосили йиғиб олингандан кейин тупроқтаги гумус миқдори эса 0-30 см тупроқ қатламида 0,76 % дан 0,73 % гача ни ташкил етди. Тупроқнинг 30-50 см қатламидаги гумус миқдори кунгабоқар навларини экиш олди олинган таҳлилларда 0,66 % дан 0,71 % гачани ташкил етган бўлса, мавсум охирида ҳосил йиғиб олингандан кейин 0,66 % дан 0,62 % гача ни ташкил етди (3.6.2-расм).

Хулоса. Тадқиқот натижаларига кўра гумуснинг миқдори 0-30 см қатламда 0,02 % дан 0,10 % гача тупроқнинг 30-50 см қатламида эса 0,09 % гача камайганлиги аниқланди. Бундан кўринадик кунгабоқар экилган майдондаги тупроқларнинг таркибида ўзгаришлар содир бўлиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кенжаев Ю. Турли муддатларда қўлланилган сидерациянинг ёмғир чувалчанглари сонига таъсири. // “Агро илм” журнари. -2019 -№4 (60) -Б. 76.
2. Ларешин В.Г., Бушуев Н.Н., Скориков В.Т., Шуравилин А.В. Использование пожнивных сидеральных культур и соломы для воспроизводства органического вещества почв. В кн. Сохранение и повышение плодородия земель сельскохозяйственного назначения. –М., 2008, –С. 76-86.
3. Осмеховский В.М. Влияние длительного применения удобрений на физико-химические свойства и состав гумуса карбонатного чернозема. // Труды Кишиневского с-х института. – 1975. –С. 68-73.